



MILLIY TIKLANISH

32 (93) 2010 йил 11 август, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



"Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон"

«Биз чиндан-да эркин, тинч, осойишта, инсон қадрни юксак қадрланганидан юртда яшаймиз. Шундай экан, тинч осойишта ҳаётнинг қадрига етишимиз даркор. Зеро, мустақиллик бизга ўзлимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, ҳақ-ҳуқуқимиз ва чексиз имкониятларни тухфа этди».

3-бет



Зарбоф тўним бор менинг

Юртимизнинг қайси вилоятида бўлманг, халқимизнинг зардўзлик санъатига меҳри баланд эканини кўрамиз. Зардўзликнинг асл Ватани бўлган Ғиждувон туманида хунармандлар уста-шоғирд асосида хилма-хил маҳсулотлар тайёрлаб, республикамиз бозорларини тўлдирмоқда.

5-бет



Ўрмон ёнғинлари, сув тошқинлари...

Ўрмон ёнғини табиий ва инсон омили натижасида келиб чиқади. Ер юзидан пайдо бўладиган энг кўп ўрмон ёнғинларига яшин уриши сабаб бўлади. Асосан яшин қуруқ дарахларга тушганидан сўнг, аланга ён-атрофга тарқалади.

5-бет

МТ

БУГУНГИ СОҶДА:

СИЁСАТ	2-бет
Ёшлар — мамлакат келажаги	
Таъсирчан тадбирлар фаолликка ундайди	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	3-бет
Бўғинлардан бошланар ҳаёт	
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТ	4-бет
Буюк алломалар юрти	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Китоб — санъат, китобхонлик ҳам	
Оромгоҳда болалар кулгуси	
ЖАРАЁН	6-бет
Масъулиятли дамлар	
Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур	
Янги коллеж	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Артемиди ботқоқлик устига қурилган ибодатхона	
Дунёдан дараклар	
КЎЗГУ	8-бет
Гурвак қовунлар тимсоли	

ИСТИҚЛОЛ САОДАТИ

Буюк алломалар юрти

Ўзбекистон инсоният тарихига номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган буюк даҳоларни етказиб берган кўҳна маданият ўчоғи

4-бет



САРҲИСОБ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти"нинг II-Республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидан республика конференциясига сайланган делегатлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ёшлар — мамлакат келажаги

ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг II-Республика конференциясида ана шу сўзлар бот-бот такрорланди

2-бет

ҲАМКОРЛИК

Ўзбек жанг санъати

миллий қадриятларимиз боқийлигига далолатдир. Федерациянинг Аёллар спорти бўлимини энди ЎзМТДП вакили бошқаради

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий қадриятлар, қадимий спорт ўйинларини тиклаш борасида нодавлат, ноижорат ташкилотлар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Яқинда «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида "Ўзбек жанг санъати" федерацияси билан ҳамкорликда болалар, ўсмирлар ва катталар ўртасида Мустақиллик кубоғи учун Ўзбекистон чемпионати ўқазилди.

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистонда олижаноб ва гўзал инсонлар яшайди

Ўзбекистон тарихий обидалари, халқининг маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан кўплаб мамлакатлардан сайёҳларни жалб қилмоқда. ЎЗА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Салоҳ СУЛТОН (Кувайт):
— Кўплаб мамлакатларда бўлганман. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун Ўзбекистонни бутун дунё яхши билади. Бу ўринда ўзбек заминининг гўзаллиги ва саховатинигина эмас, бутун жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни назарда тутмоқдаман. Сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётир. Буни юртингизда қад ростлаётган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистонга ҳар гал кел-

ганимда ҳар турли меҳмонхонага жойлашаман. Бу гал "Марказий" меҳмонхонасини танладим.
Ҳар сафэр мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан чин дилдан қувонаман. Бу заминда яшаб ўтган юксак тафаккур соҳиблари, буюк алломалар қолдирган илмий-маънавий, ноёб ва муътабар мерос авайлаб-асраб келинаётганига, уларни ўрганиш борасидаги ишларга ҳавас қилса арзийди.

2-бет

НИГОҲ

Инсоният яратган мўъжизалардан бири китобдир. Замонлар ошиб не-не кашфиётлар яратилиб ва вақт ўтиши билан улар маънавий жиҳатдан эскирган бўлса-да, биргина унинг қадр-қиммати йўқолмади. Китоб даврлар билан ҳамнафас қадам ташлаб келмоқда. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси" кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Боқижон ТЎХЛИЕВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

Китоб — санъат, китобхонлик ҳам

нашр этилаётган китобларимиз безағи ва савияси эҳтиёж даражасида

5-бет

СИЁСАТ

САРҲИСОБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конференция кун тартибидан ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг 2009 йилдаги ва жорий йилнинг етти ойи давомидаги

Ёшлар — мамлакат келажаги

ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг II-Республика конференциясида ана шу сўзлар бот-бот такрорланди



фаолияти юзасидан ҳисоботи ва "Ёшлар қаноти"нинг келгусидаги вазифаларига доир масалалар ўрин олди. Ийгилишни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов кириш сўзи билан очди.

Партия етакчиси истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ёшларга берилаётган эътиборнинг натижаси ўлароқ мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларнинг тутган ўрни ва улар олдида турган долзарб вазифалар бора-бора кенг бўлди. Партиянинг асосий таянчи ҳисобланган ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаолияти мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшлар иштирокини таъминлаш, фидойий, интеллектуал салоҳияти юқори йигит-қизларни давлат бошқарувидаги вазифаларини эгаллашлари учун шaroитлар яратишга кўмаклашиш, ўсиб келаётган авлод онгини миллий, умуминсоний қадриятларга ёт бўлган салбий таъсирлар, ло-

ни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларининг ёшларимиз ҳаётида тутган ўрнига эътибор қаратди. Ёшларимизнинг фан, санъат ва спорт соҳасида эришяётган ютуқлари ҳар биримизнинг қалбимизда гурур ва ифтихор туйғусини уйғотди. Бугунги конференцияда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаолияти сарҳисоб этилиб, камчилик ва муаммолар муҳокама қилинди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.



катта бахт ва имкониятдир. ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони "Ёшлар масалалари" бўлими бошлиғи Маъруф Норкулов ўз маърузасида ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг 2009 ҳамда 2010 йилнинг биринчи ярим йилликдаги фаолиятига тўхталар экан, асосий эътиборни қилинажак ишлар, камчилик ва нуқсонлар ҳамда ечимини кутаётган муаммоларга қаратди. Масалан, жорий 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида тадбирлар нисбатан кам ўтказилган, кадрлар қўнимсизлиги оқибатида бир қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Эндиликда бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришимиз, фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишимиз лозим, деди маърузачи.

Конференцияда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" республика кенгаши аъзолари таркиби ҳамда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

- Самарқанд вилоятдан ўтказилган "Буюк Ипак йўли"га кирувчи магистрал йўлларнинг жаҳон стандартлари асосида таъмирланиши, шахримизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳар биримизга чексиз қувонч, фахр ва гурур бағишлайди ва бунда партиядошларимизнинг ҳам ҳиссалари борлигидан хурсандимиз, - дейди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Анвар Мирзаев.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Дарҳақиқат, партия вилоят кенгаши ўз мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, ижодкор зиёлилар, илм-фан, маориф, маданият, спорт соҳалари вакиллари, хунармандлар, халқ усталарига таяниб аъзолар сонини янада кўпайтириш бора-бора ибратли ишларни амалга оширмоқда. Партия кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар салмоғи ҳам ортиб бораётди. Олти ой давомида 300 дан зиёд тадбир ўтказилганлиги, унда 93 мингдан ортиқ киши иштирок этгани фикримизга яққол далилдир.

Кўшработ туманининг Очил Қодиров ҳўжалиги худудидаги қабристон қаровсизлик оқибатида яйловга менгаб қолган. Партия фаоллари буни ўз вақтида жамоатчилик ҳужмига етказди, натижада қабристон атрофидаги темир панжара ва деворлар таъмирланиб, тартибга келтирилди. Бундан хурсанд бўлган аҳоли партия фаоллари ва партия вилоят кенгашига бундай хайрли ишлари учун миннатдорлик билдиришди. Ёхуд Нуробод туманида "Миллий маънавиятимизни ривож ва баркамол авлоднинг шакллантиришида Алишер Навоий меросининг аҳамияти" мавзусида ўтказилган тадбир ёшлар қалбида ўзгача завқ-шавқ уйғотди. Тадбирда Самарқанд Давлат университетининг таниқли олимлари ёшлар билан суҳбат қиришди. Айниқса, шу тумандан чиққан филология фанлари доктори, профессор Суюхон Каримовнинг ёшлар билан бўлган суҳбати уларда катта таассурот қолдирди.

Бундай тадбирларнинг юзга яқини партия ташкилоти "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилди. Мисол учун, Пайриқанда "Ёшлар бизнинг келажгимиз", Тайлоқ туман марказий уйингоҳида "Миллийликни акс эттириш" кўргазмаси, Иштихон туманида "Миллий қадриятларни тиклаш ёш авлодининг бурчидир" талови, Самарқанд туманида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан "Фарзандлари соғлом юрт қудратли

Таъсирчан тадбирлар фаоллиги ундайди

ёхуд ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ва депутатлар фаолияти хусусида

бўлур" ҳамда Самарқанд шаҳри "Инсон ҳўқуқлари олий қадрият" широи остида ўтказилган тадбирлар мамлакатимиз ёшларининг маънавий, ҳўқуқий ва сиёсий билимини янада юксалтиришга қаратилди. Бу эса юртимиз ёшларининг илм-фан, спорт, санъат, адабиёт ҳамда бошқа соҳаларда эришяётган ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

ЎзМТДП вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан 60 дан зиёд тадбир ўтказилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" саъй-ҳаракати билан республика хотин-қизлари ўртасида "Донилик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" мавзусидаги кўрик-танлов вилоят, шаҳар ва туманларда фаол ва қизиқарли тарзда бўлиб ўтди. Унда 100 нафардан зиёд йигит-қизлар қатнашди. Вилоят босқинчи икки худудий босқичда ўтказилди. Вилоят мутлақ голиблигига эришиш учун Каттақўрғон шаҳридаги 1-сон академик лицейи ўқитувчиси Ольга Козлова ва Тайлоқ педагогика коллежи ўқитувчиси Навбахор Узоқова ўзаро беллашди. Барча шартлари бекаму кўст бажарган Навбахор Узоқова голиб бўлиб, партия вилоят кенгашининг эсдалик совғаси - рангли телевизор билан мукофотланди. Навбахор кўрик-танловнинг республика босқичида ҳам қатнашиб "Энг иқтидорли иштирокчи" номинацияси голиби бўлди.

Партия кенгашида таъсирчан бўлиб келиши, саъй-ҳаракат кўрсатиши, партия электорати манфаатларига жавоб берадиган муҳим масалаларга давлат ҳокимияти органлари эътиборини қаратиши, юзга келган муаммоларни маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиши ва ижобий ҳал этиши ва унга бош-қош бўлиш депутатлик гуруҳларининг долзарб вазифаларидан саналади. Шу билан бирга худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни доимий таҳлил этиши, ҳолис баҳо бериш борасида депутатлар фоллиги олиб бормоқда.

Шўхрат Раҳимов Жомбой туманидаги Жомбой иқтисодий коллежи директори вазифасида ишлайди. 27-Қўлбости сайлов округидан туман кенгаши депутатлигига сайланган. У халқ депутатлари туман кенгаши ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича доимий ишчи

ЎЗБЕКИСТОН — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистонда олижаноб ва гўзал инсонлар яшайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Янис КРУМИНЬШ (Латвия): - Ўзбекистон иқтисодиёти жадал тараққий этмоқда. Мамлакатнинг улкан салоҳиятга эга ва шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилоқда. Латвия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашни биламан. Ўзбекистонда самарали банк тизими шаклланди. Шу боис молиявий муассасалар жуда фаол ва муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Тошкент том маънода гулдор шаҳри. Пойтахтингдаги гўзал майдонлар, хиёбонлар, кенг ва раvon кўчалар муҳташам бинолар атрофини қўраб турган гулзорларни кўриб, бунга тўла амин бўлдим. Тошкент, айнаи ёз палласи бўлишига қарамай, ям-яшил. Бу ерда гулчиликнинг истиқболи жуда порлоқ.

Мамлакатингдаги тинчликка, осейишталик ва фаровонликка ҳавас қилса арзийди. Бу юртингда демократияни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самаралари, деб биламан.

Аман АГАРВАЛ (Ҳиндистон): - Ўзбекистон иқтисодий ҳалқаро майдондаги нуфузи ортиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларнинг етакчи фирми ва компаниялари юртингда тўғридан-тўғри сармоҳ киритишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётди. Мамлакатингда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга талаб ортиб бораётгани ҳам Ўзбекистонда иқтисодий дунёнинг барча соҳалари, хусусан, саноат жадал тараққий этаётгани ва халқ фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Пойтахтингда шу йил баҳорда ўтказилган "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон

мисолида)" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда ҳамда Осиё тараққийот банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этдим. Ўзбекистонда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқарувчиларнинг кўллаб-қувватланиши иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш имконини берди.

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, унинг экотуризм, маърифий ва жисмоний саёҳат каби турларини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги Тошкент энг хушманзара шаҳарлардан бири саналади. Бу ерда замонавий ва юқори сифатли хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар жуда кўп. "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида тўхтадим. Бу мажмуа маҳобати, ўзига хос мезморий ечимини билан ҳам эътиборини тортиди.

Баҳия МАЛАКАР хоним (Малайзия): - Ўзбекистонда гўзал мамлакатга келганимдан жуда бахтиёрман. Сафар асносида юртингда барча соҳаларда, жумладан, тўқимачилик саноатидаги ислохотлар бераётган юксак самараларнинг гувоҳ бўлдим.

Шуни ишон билан айта оламани, Ўзбекистон мода ва дизайн соҳасининг равнақ топиши бўйича дунёда етакчи давлатлар орасидан мустаҳкам жой олган. Чунки юртингда бу соҳани ривожлантириш учун барча зарур шароит - иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, ахбойиб гоёларга эга ёш кадрлар мавжуд. Энг муҳими, бу заминда юксак фазилатли, сурати ҳам, сийрати ҳам гўзал инсонлар яшайди.

Юртингда келишимдан асосий мақсад тўқимачилик ва мода соҳасида фаолият юретаётган корхоналар билан танишиш ва савдо шартномалари имзолашдан иборат. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз янада ривожланишига ишонаман.

Ўза Мухбирлар Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Шу кунларда юртимизнинг барча худудларида, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётди.

Қадриятлар бешигисан, маҳаллам

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 июлда қабул қилинган фармойишига мувофиқ август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлғи деб эълон қилинди, 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши белгиланган.

Айни пайтда давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳузурда умумхалқ хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилди. Мазкур гуруҳдан олинган маълумотларга кўра, ортидошларимиз ободонлаштириш ва тозалик ойлғида фаол иштирок этмоқда. Тадбирнинг дастлабки ҳафтасида тўққиз юз минг нафардан зиёд аҳоли бундай ишларга ўз ҳиссасини қўшди.

Турар-жой мавзелари, маҳаллалар, кишлоқларда дарактларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлчаларни тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни чиқариб кетиш ишлари бажарилмоқда. Кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, ариқ-зовурлар ва лотоклар тозаланмоқда. Оқва сув тизимлари ва қудуқлар таъмирланиб, маҳаллалардаги болалар спорт майдончалари тартибга келтирилмоқда.

лимининг аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёшларимизнинг иқтисодий ва салоҳиятини юксалтиришга муносиб улуш қўшиш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Мустақиллигимизнинг бу йилги байрами Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" широи остида нишонланаётди. Инсон ва унинг шаъни, қадр-қимматини эъзозлаш жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланган. Бу эзгу анъанани ҳаётга ичкил этиш маҳаллаларимиз фаолиятининг ҳам устувор йўналишини ташкил этади.

Жорий йилнинг биринчи ярмида "Маҳалла" жамғармаси томонидан инсон манфаатларини муҳофазалаш, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тадбирларига ҳомийлар кўмағида 3,7 миллион ҳаётга маънавий йўналтирилди. Бир минг олти юздан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжман ёш оилаларга қорамол ажратилди. Икки мингга яқин кам таъминланган оилалар фарзандаларининг ниқоҳ ва суннат тўйлари ва бошқа тадбирларини ўтказишда кўмаклашилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида жисмоний имконияти чекланган ўғтиз нафардан кўпроқ талаба ва ўқувчига компьютер тақдим этилди, икки ўз нафардан кўпроқ талабага "ZiyoNet" тармоғига уланишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бу ёшларимизнинг таълими олиш имкониятини янада кенгайтирди.

эришилаётган иқтисодий-ижтимоий ютуқлар, тинч ва осейишта ҳаётимизнинг қадрини кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган бундай тадбирларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг махсулотлари, уста-шогирд аъаналари ва касаначилар фаолиятига оид кўргазмаларга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги "Янгиобод" маҳалла гузарига бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ёшлар ва санъаткорлар иштирок этди. Тадбир доирасида "Маҳаллам тарихини ўрганаман", "Фуқаролар йиғинининг энг фаол яраштириш комиссияси", "Энг фаол дунёда ишчи гуруҳи ташкил этиш маҳаллаларимиз фаолиятининг ахбойиб бундай ишлари учун миннатдорлик билдиришди. Ёхуд Нуробод туманида "Миллий маънавиятимизни ривож ва баркамол авлоднинг шакллантиришида Алишер Навоий меросининг аҳамияти" мавзусида ўтказилган тадбир ёшлар қалбида ўзгача завқ-шавқ уйғотди. Тадбирда Самарқанд Давлат университетининг таниқли олимлари ёшлар билан суҳбат қиришди. Айниқса, шу тумандан чиққан филология фанлари доктори, профессор Суюхон Каримовнинг ёшлар билан бўлган суҳбати уларда катта таассурот қолдирди.

Бундай тадбирларнинг юзга яқини партия ташкилоти "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилди. Мисол учун, Пайриқанда "Ёшлар бизнинг келажгимиз", Тайлоқ туман марказий уйингоҳида "Миллийликни акс эттириш" кўргазмаси, Иштихон туманида "Миллий қадриятларни тиклаш ёш авлодининг бурчидир" талови, Самарқанд туманида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан "Фарзандлари соғлом юрт қудратли

Б.ХИДИРОВА, Ўза мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАДБИР

“Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон”



этиш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, бутун куч ва имкониятлари билан кўмаклашишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам муносиб ҳисса қўшишга ин-

М.Содиқова. - Шундай экан, тинч осойишта ҳаётнинг қадрига етишимиз даркор. Зеро, мустақиллик бизга ўзлимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, ҳақ-ҳуқуқимиз ва кечисиз имкониятларни тўхфа этди.



тилмоқда. Партия томонидан Юрт тинчилиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги умуммиллий гоёси атрофида жамиятнинг барча қатламларини бирлаштириш йўлида салмоқли қадамлар ташланди. Бу ишларнинг самараси ўлароқ, партия-миз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

- Биз чиндан-да эркин, тинч, осойишта, инсон қадри юксак қадрланадиган юрда яшаёмиз, - деди Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси



М.Содиқова. - Шундай экан, тинч осойишта ҳаётнинг қадрига етишимиз даркор. Зеро, мустақиллик бизга ўзлимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, ҳақ-ҳуқуқимиз ва кечисиз имкониятларни тўхфа этди.

ЎзМТДП МК, Тошкент шаҳар кенгаши, Чилонзор ва Учтепа туман кенгаши ташаббуси билан “Маҳалла” жамғармаси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Умурзоқ ҲАМДАМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг махсулотлари кўргазмаси билан бошланган тадбирда Чилонзор ва Учтепа туманларида истиқомат қилаётган отахон ва онахонлар, кам таъминланган оилалар вакиллари, партия фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

- Бугун жаннатмакон юртимизнинг барча вилоятлари,

шаҳар ва туманлари, қишлоқ ва овулларида энг улуғ ва энг азиз байрамимизга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Эътироф этиш керакки, ўтган қисқа давр мобайнида маънавий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди, - деди тадбирни очиб берган ЎзМТДП МК раиси ўринбосари Шоира Умарова. - Бунда давлат ва жамият олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳал

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Модомики шундай экан, партиялар фаолиятидаги асосий юк ана шу орган зиммасига тушиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси БПТлар фаолиятига жиддий эътибор қаратмоқда. Айни пайтда ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши таркибида 266 та БПТ бор. Улар ичида салмоғи, аъзолар сони ва фаоллиги билан ажралиб турадиганлари кам эмас. Вобкент тумани 21-спорт мактабидаги бошланғич партия ташкилоти ана шундайлар жумласидандир.

ҲАМКОРЛИК

Ўзбек жанг санъати

миллий қадриятларимиз боқийлигига далолатдир. Федерациянинг Аёллар спорти бўлимини энди ЎзМТДП вакили бошқаради

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мусобақани “Ўзбек жанг санъати” Федерация президенти Пўлат Усмонов очди. У ўз сўзида спорт инсонни нафақат жисмонан чинқитиради, балки руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу қадимий шарқ яқка кураши бизга ота-боболаримиздан қолган мерос бўлиб, Темирий жанг санъатининг замонавий кўриниши, деди.

Бугунги кунда республикамизнинг ўн битта вилоятида федерациянинг бўлимлари фаолият юрймоқда. “Ўзбек жанг санъати” Адлия вазирлиги томонидан 2009 йилнинг 14 апрель кuni рўйхатга олинган. 2009 йил ноябрь ойида эса Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан миллий спорт турлари рўйхатига киритилди. Ҳозирги кунда республикамизда 3 минг нафарга яқин ёшларимиз ана шу спорт тури билан шуғулланмоқда. Федерация 2009 йилнинг декабрь ойида Миллий жанг санъати федерацияси — WOMAUG аъзо бўлди. 2010 йилнинг март ойида эса Ўзбекистон “Ўзбек жанг санъати” федерацияси — WASCO — Бутунжаҳон яқкакураши ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

Спорт устаси Тўлқин Тожиевнинг таъкидлашича, “Ўзбек жанг санъати” терма жамоси спортчилари жорий йилнинг 2-9 июнь кунлари Италиянинг Калари шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этиб, юртимиз байроғини юксакларга кўтаришди.

Мусобақа доирасида ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими етакчи мутахассиси Мафура Тошматова “Ўзбек жанг санъати” федерациясининг аёллар спорти бўйича вице-президенти этиб тайинланди.

- Буни мен ЎзМТДПнинг ёшлари миллий қадриятлар ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб воёга етказиш жараёнига қўшган ҳиссасининг самараси, деб ҳисоблайман, - деди Мафура Тошматова. - Қолаверса, миллий қадрият ва меросимизни асраб-авайлаш, авлодларимизга бус-бутун етказиш, баркамол авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш партияимизнинг асосий мақсад ва вазифаларидан саналади.

- Федерацияимизнинг аёллар гуруҳига раҳбарликка номзодни айна “Миллий тикланиш” демократик партиядан танлаганимиз бежиз эмас. Чунки ЎзМТДП бошқа партиялардан фарқи ўлароқ миллий қадриятлар, анъаналаримизни тиклаш ва ҳимоя қилишга кўмаклашади. ЎзМТДП вакили ва фаолларининг саяёҳаракати билан “Ўзбек жанг санъати” янада оммалашши шубҳасиз, - деди федерация президенти Пўлат Усмонов.

Мусобақа якунида ғолиб спортчиларга федерация ва ҳомий ташкилотларнинг медал ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

У.ҲАМДАМОВ, “Milly tiklanish” мухбири

Бўғинлардан бошланар ҳаёт

агар партияни юракка менгзасак, бошланғич партия ташкилотлари унинг қон томирларидир

Маннон ОТАБОЙ, “Milliy tiklanish” мухбири

Биз ушбу ташкилотда бўлиб амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик. Махмуд Собиров бошчилик қилаётган бошланғич партия ташкилотининг 145 нафар аъзоси бор. Улар асосан ўқитувчи ва мураббийлар, ишчи-хизматчилар ҳамда ана шу ҳудудда яшаётган аҳолидан иборат.

Бошланғич партия ташкилоти учун алоҳида хона жиҳозланган. Хона деворларини давлат рамзлари, ЎзМТДП баннерлари бе-заш тўрибди. Шкаф жавонидан йиғилиш баённомалари, йиллик иш режаси, кадрлар захираси шакллантирилган ташлам ва турли сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар ўрин олган.

Ўтказилган тадбирлар қайд этилган папкани варақлаймиз.

8 март хотин-қизлар кунига бағишлаб “Муқаддасан, муқаддас аёл”, Наврўз байрами арафасида “Наврўзинг муборак, юртим”, 9 май Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан “Аждодлар руҳи қалбимизда мангу яшайди”, 1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni санасида “Зарафшон” оромгоҳида “Соғломжон-полвожон” спорт мусобақаси каби кўп тад-

бирлар ташкил этилган. Шунингдек, энг муқаддас байрамимиз мустақиллик айёми арафасида “Гибё-вандлик — аср вабоси” шiori остида “Миллий спорт ўйинлари” фестивалини ташкил этиш режалаштирилган. Шу кuni бошланғич партия ташкилоти аъзолари билан партиядан сайланган вилоят нафар аъзоси бор. Улар асосан ўқитувчи ва мураббийлар, ишчи-хизматчилар ҳамда ана шу ҳудудда яшаётган аҳолидан иборат.

Бошланғич партия ташкилоти учун алоҳида хона жиҳозланган. Хона деворларини давлат рамзлари, ЎзМТДП баннерлари бе-заш тўрибди. Шкаф жавонидан йиғилиш баённомалари, йиллик иш режаси, кадрлар захираси шакллантирилган ташлам ва турли сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар ўрин олган.

Ўтказилган тадбирлар қайд этилган папкани варақлаймиз.

8 март хотин-қизлар кунига бағишлаб “Муқаддасан, муқаддас аёл”, Наврўз байрами арафасида “Наврўзинг муборак, юртим”, 9 май Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан “Аждодлар руҳи қалбимизда мангу яшайди”, 1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni санасида “Зарафшон” оромгоҳида “Соғломжон-полвожон” спорт мусобақаси каби кўп тад-

бирлар ташкил этилган. Шунингдек, энг муқаддас байрамимиз мустақиллик айёми арафасида “Гибё-вандлик — аср вабоси” шiori остида “Миллий спорт ўйинлари” фестивалини ташкил этиш режалаштирилган. Шу кuni бошланғич партия ташкилоти аъзолари билан партиядан сайланган вилоят нафар аъзоси бор. Улар асосан ўқитувчи ва мураббийлар, ишчи-хизматчилар ҳамда ана шу ҳудудда яшаётган аҳолидан иборат.

Бошланғич партия ташкилоти учун алоҳида хона жиҳозланган. Хона деворларини давлат рамзлари, ЎзМТДП баннерлари бе-заш тўрибди. Шкаф жавонидан йиғилиш баённомалари, йиллик иш режаси, кадрлар захираси шакллантирилган ташлам ва турли сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар ўрин олган.

Ўтказилган тадбирлар қайд этилган папкани варақлаймиз. 8 март хотин-қизлар кунига бағишлаб “Муқаддасан, муқаддас аёл”, Наврўз байрами арафасида “Наврўзинг муборак, юртим”, 9 май Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан “Аждодлар руҳи қалбимизда мангу яшайди”, 1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni санасида “Зарафшон” оромгоҳида “Соғломжон-полвожон” спорт мусобақаси каби кўп тад-

Бундан ташқари, партия аъзолари кўпчиликини ташкил этадиган мазкур спорт мактабида 2 та бадий гимнастика бўлими ҳам фаолият кўрсатапти. Бу ерда 92 та қишлоқ қизлари инсонга соғлиқ ва кўкамлик бахш этадиган бадий гимнастика билан шуғулланишмоқда. Ёш қизалоқлар спортнинг ушбу тури бўйича вилоят миқёсда яхши натижаларга эришмоқдалар.

- Биз ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши билан келишган ҳолда янги ўқув йилидан “Иқтидорли спортчи” номинацияси бўйича партия стипендиясини ташкил этиб, Ватанимиз довуғини дунёга ёйдиган спортчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни ният қилдик, - дейди БПТ раиси, туман кенгаши депутати Махмуд ака. - Ушбу эзгу ниятимиз ижобати энг улуғ, энг азиз байрамимиз мустақиллик шодиёналари кунларига тўғри келади. Айни пайтда бошланғич партия ташкилотимиз байрамга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Мактаб ва мактаб унинг ён-атрофида ободончилик ишларини олиб бораёلمиз. Туман марказидаги ўйингоҳда ўтадиган байрам тантаналарида бизнинг ёш спортчиларимиз ҳам ўз чиқишлари билан иштирок этишади. Бу муқаддас кuni қанча шарофласак оз. Мустақиллик бизга эркинлик, озода ва фаровон ҳаёт берди. Ўзбекистонни бутун олам таниди. Ўз донимиз, ўз ёқилгимиз, ўз машинамизга эга бўлдик. Фарзандларимиз дунёнинг хоҳлаган мамлакатидега ўқишга, ишлашга, улар учун яратилган шарт-шароитларни кўп мамлакатлар орзу қилади.

Ҳа, Махмуд ака ҳақ. Аждодларимиз орзу қилган ҳаёт минг шўқри, бизга насиб қилди. Модомики шундай экан истиқлолимизни кўз қорачигиде асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир. М.Собиров етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти аъзолари ҳам бу борада яқдилдирилди.

Ҳа, Махмуд ака ҳақ. Аждодларимиз орзу қилган ҳаёт минг шўқри, бизга насиб қилди. Модомики шундай экан истиқлолимизни кўз қорачигиде асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир. М.Собиров етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти аъзолари ҳам бу борада яқдилдирилди.

ЎзМТДП ХРОНИКАСИ

Тадбирларда истиқлол шуқуҳи акс этмоқда

ХОРАЗМ.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Хазорасп туман кенгаши томонидан Зангиота маҳалласида “Мустақиллик-ишонч, ҳуқуқ ва масъулият” мавзусида давра сўхбати ўтказилди. Тадбирда мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигини муносиб кўтиб олишга қизгин таёргарлик кўрилатганлиги, байрамни муносиб нишонлаш тўғрисидаги режалар, истиқлол туфайли эришилган ютуқлар ва ёшлар учун яратилган имкониятлар хусусида сўз борди.

Унда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ф.Қўлиев, қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари мустақиллик бизга аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни қайтариб берганлиги, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиши кераклиги хусусида гапириб, мустақилликни мустаҳкамлаш, тинчликни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг юксак инсоний ва фуқаролик бурчи эканлиги борасида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ЎзМТДП Гурлан туман кенгаши томонидан “Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам” мавзусида тадбир ўтказилди.

- Айтиш жоизки, ўзбек маҳаллалари азал-азалдан миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни ўзида муҳасаммаз этиб келмоқда, - деди ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.Аллаберганова. - Масалан, ўзаро меҳр-оқибат, кексаларни қадрлаш, ота-онани эъзозлаш, катта ёшдагиларга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлишдек инсоний фазилатлар айнан маҳаллада шаклланади.

- Ана шу қадриятларнинг бардавомлигини сақлаш эса юртимиз эртанги кuni эгалари бўлган ёшларга боғлиқ, - деди тадбирда сўзга чиққан МФЙ раиси А.Бозорбоев. - Шунинг учун уларни одобли, ибодли, ҳаёли, меҳнатсевар, ота-боболаримиздан қолган бағ моддий ва маънавий меросларнинг қадрига етадиган қилиб тарбиялашимиз даркор.

Тадбир қизиқарли, баҳс ва мунозаралар тарзида ўтди.

НАМАНҒАН.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Мингбулоқ кенгаши томонидан туман ҳокимлиги, “Камолат” ЁИХ туман бўлими ҳамкорлигида Навбахор спорт ўйингоҳида “Баркамол авлод йили”га бағишлаб “Миллий ўйинлар” номидаги спорт мусобақаси ўтказилди. Мазкур мусобақада тумандаги ёшлар “чиллак”, “оқсуяк”, “беш тош”, “ҳалинчак” сингари миллий ўйинларда ўзаро беллашдилар. - Спорт инсонни нафақат чинқитиради, балки унинг соғлом фикрлашига ижобий таъсир ҳам кўрсатади, - деди тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Исроил Юлдашев. - Қолаверса, асрлар оша сақланиб келинаётган миллий ўйинларнинг уюштирилиши бежизга эмас. Сабаби халқ ўйинлари ёшларнинг ақл-заковатли, жисмонан кучли, чаққон, топқир ва жасур бўлиб воёга етишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Мусобақа якунида ғолибларга партия туман кенгаши, туман ҳокимияти ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

“Оила мустаҳкамлиги ва ёш авлод таълим-тарбиясида аёлларнинг ўрни” мавзусидаги тадбир ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан Набахор қишлоқ врачлик пунктида ўтказилди. Унда партия ва маҳалла фаоллари, туман ФХДБ бўлими вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар оиланинг жамиятимиз маънавий-маданий ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўхтадилар. Жумладан, партия туман кенгаши “Аёллар қаноти” раҳбари Муяссар Каримова партия сайловолди Ҳаракат дастурида оила масаласига қаратилган эътибор, унда белгиланган “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари” ижтимоий лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берар экан, оиланинг мустаҳкам, тинч-тотув бўлиши кўп жиҳатдан аёлларимизга боғлиқ эканига алоҳида урғу бериб ўтди.

АНДИЖОН.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Андижон вилоят кенгаши Жалақудуқ туман кенгаши билан туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман “Маҳалла” жамғармаси ҳамда маданият ва спорт ишлари туман бўлими, “Камолат” ЁИХ ҳамкорлигида “Ўзбекистон — умумий уйимиз” мавзусида дўстлик фестивали ўтказилди. Уни ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Комилжон Отахонов очди ва мамлакат ривожини, истиқлолни ва фаровонлигини юртимизда истиқомат қилаётган халқларнинг аҳилиноқ яшашига ҳам боғлиқ эканини таъкидлади. Нотик, Жалақудуқ туман кенгаши аъзолари таркибининг 30 фоизини турли миллат ва элат вакиллари ташкил қилишини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ турли миллат вакиллари тинч ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб уларнинг эркин яшаши, ўз динига эркин эътиқод қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, - деди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Жўраҳон Эргашева.

Байрамнинг асосий қисмида дўстлик фестивалининг бадий дастури намойиш этилди. Туман маданият уйи қошидаги «Наво» халқ дастасининг чиқиши эса тадбирнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади. Тадбир сўнггида ЎзМТДПга аъзо бўлган 5 нафар кишига аъзолик гувоҳномаси топширилди.

ЎзМТДП Ахборот хизмати

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ИСТИҚЛОЛ САОДАТИ

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олим уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр сивоналаридан омон қолган энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади.

Ислом КАРИМОВ

Буюк алломалар юрти

Ўзбекистон инсоният тарихига номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган буюк даҳоларни етказиб берган кўҳна маданият ўчоғи

Собир ота маҳалладаги йиғинда ўртага бир таклифни ташлади.

- Дўстлар, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш борасида мамлакатимизда кўп ва ҳўп савобли ишлар қилинмоқда. Айниқса, улуг аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш ишларига бир эътибор беринг. Агар рози бўлсангиз, мустақиллик байрами арафасида ҳар уйдан бир-икки нафар одамлар билан табаррук қадам-жоларни зиёрат этиб қайтардик. Таклиф ҳаммага маъқул келди. Дастлаб Имом ал-Бухорий ҳазратлари мажмуаси зиёрат қилинди. Кейин Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Фарғоний, Амир Темур. Бу анъанага айланди. Яқинда улар мустақиллик майдонини келиб кўришди. Ҳамма хурсанд, кўнгилларда ғурур-ифтихор.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қадим маънавият

Дарҳақиқат, қадимий диёримиз бой тарихий-маданий ва маънавий меросга эга. Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мустақиллик йилларида тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш, халқимизга буюк аждодларимиз томонидан яратилган маънавий бойликларни қайтариш жараёни бошланди. Бугун ер юзида Самарқанднинг мовий гўмбазлари, Бухоро ва Хиванинг маҳобатли миноралари, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб буюк аждодларимиз номларини эшитмаган одам бўлмас керак. Шуниси қувонарликки, аждодларимизнинг кўпчилиги шафелигадир бугун нишонланди. Буюк ота-боболаримиз замонавий дунё илм-фанни ривожлантириш асосларини яратди, ўрта асрлардаёқ уларнинг асарлари Европа мамлакатлари тилларига ўғирлиб, дарсликлар сифатида қўлланилди.

Ўзбек халқи ўзининг кўп яхши қасида ва фахрларини билан фахрланса арзийди. Чунки бизнинг юрт авлиёлар, валийлар, алломалар, жаҳонгирлар, саркардалар, даҳолар юрти. Бу халқнинг буюк фарзандлари фан ва сиёсатнинг турли жаҳаларида бемисл ишлар қилиб, Юнон фалсафасини иходий ўзлаштирган, Овропа фалсафасини уйғотган, жаҳон маданиятига дафъатан ақловар қилмайдиган даражада тасир кўрсатган, машҳур осори-атиқаларни яратган...

Бизнинг халқ яратувчи, бунёдкор, маданиятли, маърифатли. Унинг кўп минг йиллик бой тарихи ва мероси бор. Ана шу тарих саҳифаларини арақласак, «Ҳадис» илмининг султони Имом Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, араб грамматикасининг асосчиси Махмуд аз-Замхшарий, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино, дунёвий ва илоҳий илмларни омухталаштирган Абу Райҳон ал-Беруний, Ал-Фарғоний, ал-Марғиноний, ал-Хоразмий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, буюк Амир Темур ва бошқа зотларнинг номиларига кўзингиз тушади. Ана шу буюк зотлар асос солган қадимий маънавиятимиз, қадриятларимиз Оллоҳга минг шукроналар бўлсинки, қайта тикланиб, янада бойимокда, Ўзбекистон жаҳонга, жаҳон эса Ўзбекистонга юз титиб, ўзига хос ва мос тараққиёт

йулидан дадил қадам ташлапти. Биз мустақилликка эришдик. Аммо, истиқлолимизни сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун кураш - муттасил давом этадиган ўта масъулятли ва мураккаб жараён. Бу йўлда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, давлатимиз раҳбари атрофида жипслашиб, эришган ютуқларимизни мудом мустаҳкамлаб боришимиз керак. Мамлакатимиз тарихи шавқатли номларга бой. Аммо узоқ йиллар мобайнида мустақамлаш исканжасида кун кечирган халқимиз буюк ватандошларимизни қадрлаш, уларнинг тарихий макеани муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Халқимиз юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, миллатимизни қарамликка кўндириб мақсадида улуг аждодларимизнинг номлари тарих саҳифаларидан ўчирилган, ибратли ҳаёт тарзи унутишга маҳкум этилган, уларнинг бебаҳо маданий-маънавий мероси эса топталган даврлар ҳамон ёдимизда.

Нурафшон йўли

Фарғоналик боғхоначилар ҳам бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ йирик қонунбузарлик ҳолатини фош этишди. Гап шундаки, фуқаро Б.Урмоновнинг хонадони ўрнатилган тартибда кўздан кечирилганда, бу ерда "Fisher", "Новость" ва "Pine" маркали 4300 қути сигареталар яширин равишда сақланаётганлиги аниқланди. Аммо, 4,5 млн. сўм қийматдаги ушбу тамаки маҳсулотларининг эгаси бутунлай бошқа шахс, яъни фуқаро П.Мухаммадхон бўлиб чиқди. Хонадон соҳиб эса қонунбузарга "бегараз яхшилик" қилман, деб ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган ушбу товарларни сақлаш учун ўз уйдан жой берган экан.

Пахтаобод туманининг чегарадош ҳудудидаги айланма йўлда "Тико" автомашинаси бежизга "адашиб" қолмаган экан. Мазкур автоулов тўхталиб текширилганда, унга қўшни давлатда ишлаб чиқарилган ва боғхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган салкам 5700 қути "Классик" номли сигареталар ортилгани маълум бўлди. Аниқланишича, фуқаро М.Холматов ўзига тегишли ва қиймати 2,85 млн. сўмлик ушбу тамаки маҳсулотларини қўшни давлатдан яширин тарзда республикамиз ҳудудида олиб киришга уринган экан.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Давлат боғхона қўмитаси
Матбуот хизмати

ҚАРОР ВА ИЖРО

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Бугун дунё харитасидан жой олган катта-кичик давлатлардаги ҳар миллатнинг эртанги кунга бўлган ишончини, миллат сифатидаги бардавомийлигини унинг ёш авлодлари, келажак эгалари бўлмиш ёшлари белгилайди.

Шундай экан, айни вақтда ҳар бир халқ, мамлакат ўз этник бирлигини сақлаб қолиш ва соғлом юрт ворисларини камол топтиришга алоҳида аҳамият бераётганлиги бежиз эмас. Жумладан, мустақиллигига хали йигирма йил ҳам тўлмаган, дунё ҳам-жамияти эътирофидан навиқрон давлат сифатида буй кўрсатаётган Ўзбекистон ҳам айни масалага катта эътибор бераётганлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" шiori остида қилинаётган ҳар бир соҳага малакали, иқтидорли ва албатта соғлом кадрларни етказиб беришнинг тавсияларида. Бу борада эса тиббиёт соҳасининг моддий-техник базаси яхшиланаётганлиги, соҳага малакали кадрларнинг жалб этилаётганлиги амалга оширилаётган ишларнинг бир кўринишидир. Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор Фармонлар, амалдаги қонунлар мазкур соҳага янада эътибор ва масъулият билан ёндашишни таъминламоқда. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июлда "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, "Соғлом она - соғлом бола" мақсадли вазифасини изчил амалга оширишга қаратилган мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва ижроси борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳусусида соҳа мутахассислари билан суҳбатлашдик.

Ҳозирги кунда она ва болалар саломатлигига жуда катта эътибор бериляпти, дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридидаги Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича бошқарма бошлиғи Дилором Аҳмедова. "Соғлом она-соғлом бола" йўналиши бўйича барча олий тиббиёт ва

илмий-амалий институтларда муайян ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай институтларнинг мутахассисларидан ташкил этилган махсус гуруҳлар ёрдамида жойларда ташкил этилган штаблар орқали мониторинглар ўтказилмоқда. Махсус гуруҳ аъзолари ҳудудларда аҳолининг саломатлигини кўриқдан ўтказиб, улар билан консултиватив мулоқотлар олиб боришади. Шу йил ҳисобидан ана шундай етти та ҳафталик ўтказилиб, уларда аҳолини тиббий онгани оширишга хизмат қиладиган, оналар ва болаларнинг репродуктив соғлигини мустаҳкамлайдиган жами бир миллион уч юз мингдан ортиқ тушунтириш ишлари олиб борилди.

Қабул қилинган Қарорнинг мазмун-моҳиятига эътибор берилса, унда чекка туман ва қишлоқлардаги ҳомилдор аёлларнинг саломатлигини янада яхшилаш ва улардан ҳеч қандай туғма нуқсонларсиз, соғлом фарзандларни дунёга келтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўрин олган. Бундай долзарб масалага давлат даражасида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Барча аҳоли саломатлигини учун зарур бўлган таркибда фоли кислотаси мавжуд умумий қувватлантирувчи поливитаминларнинг айнан ҳомилдор аёлларга берилишини таъминлаш, тақсимлашни назорат қилиш ва уни ҳар бир фарзанд кутаётган аёлга етказиш борасида махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, поливитаминлар ҳомилдор аёлларга жойлардаги ҚВПлар орқали бепул тарқатилади. Таркибда А, Е, Ц, В витаминлари бор, темир ва кальций моддаларига бой бўлган, организмни қувватлантирувчи, камқонлиқни олдини олувчи хусусиятларга эга бўлган фоли кислотаси ҳомилдорликни биринчи босқичда, яъни ҳомилда эмбрионлик даврида қабул қилиниб, дастлаб олмишта, кейин тўқсонта таблетка истеъмол қилинади. Қарорда 2010 йилда ҳомилдор аёллар учун поливитаминлар комплексини харид қилиш учун ихтимой соҳага 8 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз, хусусан Президентимиз томонидан соҳага кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик узининг ижобий натижасини беради, албатта.

Республика ақушерлик ва гинекология ихтисослашган илмий-амалий тиббий маркази ақушер гинеколог Наргиза Отажонованинг таъкидлашича, ҳомилдор аёллар соламатлиги нафақат оила балки, маҳалла, эл-юрт олдидаги энг долзарб масала ҳисобланади. Мутахассис сифатида биз фарзанд кутаётган аёлга берадиган барча тавсияларимиз қатори таркибда фоли кислотаси бўлган поливитаминларни қабул қилишни айтмиш. Чунки оналарда қандайдир хасталик мавжуд бўлса, бу касалликнинг фарзандига ўтиш эҳтимоли жуда юқори. Бунинг олдини олиш учун эса ҳомиланинг биринчи ойидан бошлаб фоли кислотаси ишлатилади. Ҳомилда ривожланиши давомида она қорнида боланинг миёси шаклланади. Айнан фоли кислотаси миянинг тўғри шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилади. Агар она ҳомилдорлик даврида фоли кислотасини етарлича истеъмол қилмаса, унинг фарзанди ақлан заиф бўлиб туғилиши мумкин. Бундан ташқари, фоли кислотасининг етishмаслиги ҳомилда тушиши каби ҳолатларни келтириб чиқариши ҳам кузатилади. Бир сўз билан айтганда бу поливитамин ўзида жуда кўп таъминлар таркибини сақлаб, туғма нуқсонли болаларнинг туғилишини олдини олиш, алкоғол, чекшиш ва ҳар қандай дори воситаларининг таъсирини кесинда муҳим омил бўла олади.

Мен иш фаолиятимни 1991 йилда бошлаган бўлсам, шу йиллар мобайнида бу каби эътибор, оналар ва болалар соғлигига кўрсатилаётган ғамхўрлик мустақиллик йилларида тубдан ўзгаргани ва қуйиғанлигини кузатдим, - дейди Республика перенатал маркази директор ўринбосари Саида Ҳасанова. - Ҳозирда биз кўрак сути билан фарзандни ўстираётган оналарга ҳам ушбу поливитаминларни қабул қилишни тавсия этамиш. Болаларда бирорта витамин етishмовчилиги бўлмаса уларда бунга эҳтиёж сезилмайди. Ҳомилдорлик вақтида яхши эътибор кўрган болалар туғилгандан сўнг ҳам нормал ривожланишда бўлади. Мазлумки, аҳолининг кўпчилиги қисми қишлоқ жойларида истикомат қилади. У ердаги аёлларнинг саломатлигини тиклашда эса ҚВПларнинг фаолияти муҳим. Перенатал маркази мутахассислари ҳам жойлардаги ҚВПлар билан ҳамкорликда аёлларнинг саломатлигини тиклаш, туғилажак ва туғилган болақонларнинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб ўсишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айни пайтда жойлардаги ҚВПларнинг фаолиятини ўрганиш, мониторинг ўтказиш, кадрлар малакасини ошириш, аҳолини тиббий кўриқдан мунтазам ўтказиш борасида махсус гуруҳлар фаолият юритмокда.

Наргиза АСАДОВА,
"Туркистон-пресс"

ТАЪЛИМ

Бойсун туманидаги Дарбанд дарёси ёқалаб жойлашган Дарбанд қишлоғи Сурхон воҳасининг ўзига хос тарихи, маданияти, урф-одати билан ном чиқарган сўлим масканлардан бири саналади.

Янги коллеж касб сирларини ўргатмокда

Ибодилла ЮСУПОВ,
Бойсун транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Қадимда Буюк Ипак йўлининг Самарқанд-Балх йўналишида жойлашган "Темир қопуқ" - "Темир дарвоза"си билан дунёга машхур бўлган Дарбанд қишлоғидан "Тошғузур-Бойсун-Кумқўрғон" темирйўлининг ўтиши, поездлар қатновининг йўлга қўйилиши ва айнан шу ҳудудда кўплаб бунёдкорлик ишларининг олиб борилиши қишлоқ чиройига чирой қўшиб, қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Жуда қисқа муддат ичида замонавий Дарбанд темирйўли бекати, тепловоз ва вагонларга хизмат кўрсатувчи таъмирлаш корхоналари билан бирга замонавий мактаб ва турар-жой биноларининг фойдаланишга топширилиши юзлаб йигит-қизларнинг иш билан таъминланиши, Дарбанд ва унинг атрофидаги қўшни қишлоқлар аҳолисининг турмуш даражаси ва маданиятининг юксалишига замин яратди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган аниқ мақсадли дастурлар самараси ўлароқ, Дарбанд қишлоғида бундан роппа-роса бир йил муқаддам замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Эндиликда ушбу ўқув даргоҳи қишлоқ ёшлари учун ҳақиқий тарбия масканига айланган. Ҳозирги кунда мазкур илм даргоҳида 400 нафардан ортиқ ўқувчи 14 та мутахассислик бўйича ҳунарлари билан таълим асослари ва касб-хунар сирларини ўрганишмоқда. 30 нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар уларга устозлик қилиб, назарий ва амалий машғулотлар ўтказмоқдалар.

Таълим масканида 9 та фан тўғараги ташкил этилган бўлиб, футбол, волейбол, кураш, стол теннис, шахмат, таэквондо йўналишидаги спорт тўғарақларига 224 нафар ўқувчи жалб этилган. Ушбу тўғарақ ўқувчиларидан Жамшид Донаев кўл жанги бўйича вилоят биринчилигида 55 кг. вазнда 1-ўринни эгаллади, 1-даражали диплом ҳамда олтин медал соғинди юриб, республикада ўтказилган турнирга йўланма олди. Раҳматилло Тошев турон кураши бўйича вилоят

очик биринчилигида 60 кг. вазнда фахрли иккинчи, Ирода Саъдиева миллий кураш бўйича вилоят биринчилигида 48 кг. вазнда фахрли 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ёшларни турли маънавий тахдидлардан асраш, улар қалбига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдириш юзасидан қатор вазифалар белгиланган. Таълим муассасасида ўқувчилар билан ўтказилаётган сафлановлар, ритуал ва йиғилишларда айни юқоридаги мавзуларга алоҳида эътибор қаратилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, коллеж маъмурияти ўқувчиларга диний экстремизм, миссионерлик, ақидапарастлик каби ёт оқим ва ғояларнинг асл моҳиятини тушунтириш борасида туман ЎзМТДП кенгаши билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги, Халқаро хотин-қизлар куни - 8 март, Наврўзи байрами, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий, улуғ бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуҳ кунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 360-сонли қарори ижросига бағишланган туман тадбирларига таяёргарлик кўриш, кўрик-танловлари, заковат ва интеллектуал ринг ўйинларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнида ўқувчиларимизнинг билим ва малакасини ошириб, иқтидор ва истеъдоди намоён бўлиб борапти.

Шуни айтиш кераки, барча ишларимизнинг пировард натижаси коллежимиз ўқувчиларининг истиқболда малакали мутахассис сифатида ҳаётда ўз ўрнини топиши, озоод ва обод Ватанимиз тарақиётига ҳисса қўиши билан ўлчанади. Шу нуктага назардан келиб чиқиб коллеж маъмурияти эндигина касб-хунар сирларини ўрганишга киришган ўқувчилар билан мақсадли суворномалар ўтказишга, корхона ва ташкилотларга саёхатлар уюштиришга, иш берувчи, битирувчи ва таълим муассасаси ўртасида тузилажак уч томонлама шартноманинг мазмун-моҳиятини улар онига сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб, ушбу йўналишда зарур тадбирий чоралар белгиламоқда. Бу хайрли ишлар, Президентимиз таъкидлаганидек, ўқувчиларимизнинг ўзи танлаган касб ёки хунарни бемалол эглаб кета оладиган, ҳар томонлама етук мутахассислар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Сайёраимизда ноодатий иссиқ совуқ билан бир қаторда ўрмон ёнғинлари ҳам кузатилаётган. Россия телеканаллари ўз ахборот дастурларидаги "ЖАРА" ("Жазирама") ёзувини эндиликда "ПОЖАРЫ" ("Ёнғинлар") деб ўзгартирди. Тарқатилаётган хабарларга қараганда, Россия минтақаларида ўрмон ёнғинлари сон жиҳатидан камаётган бўлишига қарамай, қуруқ иқлим ва шамол сабаб катта майдонларни қамраб олмоқда.

Ўрмон ёнғинлари, сув тошқинлари...



Шарофиддин Тўлаганов

Айни дамда ўрмон ёнғинлари кўплаб аҳоли пунктларида хавф туғдиришмоқда. Расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда Россиядаги 17 та минтақа аланга ичида қолган. Ўрмон ёнғинларидан ташқари 18 та торф ботқоқлигида ёнғин чиққани борасида хабар тарқатилди. "Тилсиз ёв"га қарши 25 мингдан ортиқ техника билан "қуролланган" 240 мингдан зиёд киши курашмоқда. Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг барча кучларидан ташқари Мудофаа вазирлигининг ҳарбийлари ҳам ёнғинга қарши курашга жалб қилинган.

Мамлакат расмийлари ёнғинга қарши курашда бор имкониятлардан фойдаланилмаётганини таъкидлашар экан, ҳозир айбдорларни топиб жазага тортишдан ҳам кўра муҳимроқ ишлар борлигини қайд қилишмоқда. Шу билан бирга ҳукумат "вазиятни назоратга олишга қурби етмаган айрим минтақа раҳбарлари маҳаллий аҳолининг эътирозлари тўғрисида истаъфога кетиши керак", деган "тавсиялар"ни берди. Ўрмон ёнғинлари 1 минг 257 тадан ортиқ турар-жай биносини қулини кўкка совурди. 50 нафардан ортиқ кишининг ёнғинлар қурбонига айлангани айтилмоқда.

Ўрмон ёнғинлари сабаб Россия пойтахти Москва шаҳри тугун билан қопланди. Бу эса одамлар соғлиғига катта зиён етаетганини англатади. "Авваллари Москвада бир кунда ўртача 360-380 киши вафот этган бўлса, эндиликда бу рақам 700 га етди", дейди шаҳар соғлиқни сақлаш департаменти бошлиғи Андрей Сельцовский.

Ўтган йили бўлгани каби бу йил ҳам АҚШнинг Калифорния штатида ўрмон ёнғинлари кузатилаётган. Бир неча уйларида истикомат қилувчи аҳоли хавфсиз жойга олиб чиқилди. Калифорния губернатори Арнольд Шварцнеггер ўрмон ёнғинлари сабаб Керн округида фавқулодда ҳолат жорий қилди. Шимолий минтақаларда ҳам ўрмон ёнғинлари кузатилаётган. Расмийлар аҳолига мурожаат қилиб, имкон қадар электр қувватидан камроқ фойдаланишга чақирмоқда. Бироқ бу чақириқлар давлатлигича қолмоқда. Чунки куннинг ҳаддан зиёд исиб кетиши аҳолини совутиш қурilmаларидан кўпроқ фойдаланишга мажбур қилмоқда. Бу эса ўз навбатида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. "Муаммолардан бири бу ўрмон ёнғинларнинг келиб чиқишидир", деди Лос-Анжелес округи ёнғинни ўчириш хизмати вакили. Губернатор Арнольд Шварцнеггер эса ёнғинларни ўчиришда энг асосийси кўтарув ва ўт ўчириш хизматлари фаолиятларини мувофиқлаштиришдан иборатлигини таъкидлади. "Об-ҳаво яхши бўлгани сабаб бизда ёнғинлар кузатилмаётган эди. Мана кутилмаганда ёнғинлар мавсуми бошланди. Биз ёнғинга қарши курашга тайёрмиз", деди штат губернатори.

Ёнғинлар мавсуми сабаб штатдаги "Мендочино" миллий паркига таширф буюрувчиларга нисбатан кечадан бошлаб қатор кескин чекловлар жорий қилинди. Энди парк ҳудудига дуч келган жойда сигарет чекиш, маёқозлик қилиш ҳамда кўчма ўчоқлардан фойдаланган ҳолда овқат пишириш таъқиқ-

ланди. Мазкур қоидаларни бузган шахсларга нисбатан 5 минг АҚШ доллари миқдорига жарима солинади ёки ярим йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Бу каби чекловлар куз фасли сўнгига қадар амалда бўлади.

Душанба кунги Грециянинг қадимий Олимпия археологик мажмуида кучли ёнғин қайд қилинди. Алангани ўчириш мақсадида учта самолёт ва вертолёт юборилди. Ҳозирча қурбонлар ҳамда жабрдийдалар қайд қилинмади. Бундан бир ҳафта аввал Самос оролида ўрмон ёнғинлари қайд қилинган эди. Ўрмонга атайлаб ўт қўйганликда гумон қилинган уч киши ҳибсага олинди.

"Ўрмон ёнғини" деб, кутилмаганда пайдо бўлиб, ўрмон майдонларига тарқаладиган оловга айтилади. Ўрмон ёнғини табиий ва инсон омилли натижасида келиб чиқади. Ер юзиде пайдо бўладиган энг кўп ўрмон ёнғинларига яшин уриши сабаб бўлади. Асосан



яшин қуруқ дарахтларга тушганидан сўнг, аланга ён-атрофга тарқалади. Табиий ёнғиннинг яхши томони ҳам бор, унда ўрмонлардаги дарахтлар табиий суратда янгиланади. Лекин мутахассислар бугунги кунда ўрмон ёнғинларининг 7-8 фоизи яшин сабаб, қолган 92-93 фоизи эса инсон омилли тўғрисида ўз беришини таъкидлашади. Айрим ҳолларда ёнғинлар атайлаб ҳам уюштирилади. Бу каби ёнғинлар назоратдаги ёнғин деб аталади.

Ўзоқ давом этакдиган ёнғинлар афроф-муҳитга зиён етказиши, инсон саломатлиги учун хавф туғдиришини эс-латиб ўтиш даркор. Масалан, Россия Экология ва меҳнат тиббиёти илмий-тадқиқот маркази олимлари ўтказган тадқиқотларга қараганда, ўтган йили ўрмон ёнғинлари мавсумида табиий ёрдам" сўраб мурожаат қилувчилар сони 3-4 баробар, ўлим билан боғлиқ ҳодисалар эса 10-13 баробар ошган.

"Росгидромет" раҳбари Александр Фролов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманида бу каби ғайритабиий об-ҳаво мамлакат ҳудудларида минг йил мобайнида кузатилмаганлигини таъкидлади. "Бизда минг йиллик об-ҳаво маълумотлари бўлмиш архив бор. Бу йилги вазият мамлакатимизда минг йилдан бери биринчи марта кузатилаётган", деди Александр Фролов.

Ер юзининг айрим минтақаларида ёнғинлар давом этаётган бир вақтда бошқа ҳудудларда одамлар сув тошқинларидан азият чекмоқда. Жумладан, Европа мамлакатлари, Хитой ва Покистон сув домиде қолди. Ёнғинчиликларнинг тўхтамаётгани Шарқий Европа

мамлакатлари, Литва, Чехия, Польша ва Германия ҳудудларидан ўтувчи дарёларнинг сатҳи кўтарилишига сабаб бўлди. Май ойида бошланган ёнғинчилик Венгрия, Сербия, Словакия, Украина, Руминия, Австрия, Франция ва Испания каби мамлакатларга ҳам "бош оғриқ" бўлди. Сув тошқинлари "Кўҳна кўтга"да 14 кишининг умрига зомин бўлди. Литва ва йўллари сув ювиб кетди. Тўғон бузилиши оқибатида Германиянинг Эггел-Гелле-Герлец шаҳрини сув босди. Жаҳон ҳамжамияти Покистондаги табиий офатга ўз эътиборини қаратмоқда. Бу ерда сув тошқинларидан 15 миллион киши азият чеккани тахмин қилинмоқда. Халок бўлганлар сони эса бир ярим мингдан ортиб кетди. Тўрт мингга яқин аҳоли бошпанасидан айрилди. БМТ расмийлари "келтирилаётган рақамлар фақат Хайбер - Пахтунхва ва Панжоб вилоятларига тегишли" эканини эълон қилдилар. Мамлакат фавқулодда вазиятлар вазири Надим Аҳмад сув сатҳи кўтарилаётган Синд ўлкасидаги вазият борасида маълумотлар йўқлигини тан олди. Хитойнинг Цзилин ўлкасининг бир қатор туманлари ҳам "сув асирлиги"да қолди. Табиий офат юз берган минтақадан 45 мингдан ортиқ аҳоли хавфсиз жойга олиб чиқилди. Вилоят транспорт тизими деярли ишдан чиқди. Расмийлар 677 та кўприкни сув ювиб кетганини таъкидлашмоқда. Мамлакат шимолий-ғарбидаги Ганьсу вилоятида эса қурбонлар сони 347 кишига етди. Бир минг 148 кишининг бедарак йўқолгани тахмин қилинмоқда.

Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида давом этаётган сув тошқинлари ва кўчклар оқибатида халок бўлганлар сони 145 кишидан ортиб кетди. 500 кишининг бедарак йўқолгани айтилмоқда. Сел келиши оқибатида Лех шаҳри коммуникацияси ва алоқа тизими издан чиқди. Ўқув юртларида машгулотлар вақтинча тўхтатилди. Гватемалада ёғаётган жала кўчки ва сув тошқинларини келтириб чиқарди. Оқибатда инсоний талофатлар қайд қилинди.

Табиятдаги бу каби нотабиий ўзгаришлар одамларни оғоҳликка чақириши керак. "Онаизоринг замин, танҳо йўғу боринг замин, хаста беморинг замин" дея инсонлар хушёр тортиб, табиятга зиён етказишни тўхтатишлари лозим. Келажакда қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ишларни режалаштиришда метеорологларнинг тақлифларини ва табиий ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим.

Сайёраимиздаги иқлим ўзгаришларининг сабаби ҳақида гапирганда бундай жараён фақат бу йил эмас аввал ҳам юз берганлигини тан олиш керак. Сўнгги даврларда инсоннинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаоллигининг ортиси глобал иқлимга салбий таъсир кўрсатмоқда. Углекислоталар, метан, азот ва бошқа газларнинг ҳавога чиқарилиши "Парник эффекти"нинг кучайиши ва атмосфера таркибининг бузилишига олиб келмоқда. Одамзот шу тариқа ўзи билган ва билмаган ҳолда глобал иқлим ўзгаришларига таъсир кўрсатяпти. Олимларнинг фикрича, иссиқхона газларининг афроф-муҳитга чиқарилиши тўхтатилса, иқлим ўзгаришларидаги мувозанатни тиклаш мумкин экан. Шоир таъкидлаганидек, "Бўлмасин субҳинг қаро, бор бўл мудо борлиқ аро, ўзини эгил доимо, ИНСОН УЗИНГ, ИНСОН УЗИНГ".

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Хитойда кўчки

Хитойда кўчки остида қолган одамларни қутқариш операциялари давом этмоқда.

Мамлакат шамоли-ғарбида рўй берган кўчки оқибатида 1300 киши бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Лекин одамларни топиш билан иш битаётгани йўқ, уларни эсон-омон кўчкилар остидан чиқариб олиш алоҳида куч ва эҳтиёткорлик талаб этмоқда. Ганьсу провинциясининг Ганьнань-Тибет мухтор округидаги Чжоуцой уездига кучли ёнғинлар тўғрисида содир бўлган мазкур табиий офат оқибатида ҳозирга қадар 130 нафардан зиёд киши халок бўлган, 117 киши жароҳатланган, 45 минг киши эвакуация қилинган. Қувонарлиси эса, шу пайтгача 1200 киши қутқарилган.



Йўлтўсар муз

Гренландияда шу пайтгача Патерман музлиги «қарамоғи»да бўлган майдони 260 кв.км га тенг улкан айсберг «озодликка чиқди».

Сунъий йўлдош орқали музликда содир бўлган ёриқларни ўрганган олимлар буни тахмин қилган эдилар. Саёҳатга чиққан муз «бўлак-часи» сўнгги эллик йилда кузатишга энг катта айсберг бўлиб, майдони 4та Манхэттенга тенглиги айтилмоқда.

Ҳозир у Гренландия ва Канада ўртасида. Муаммо шундаки, агар у жанубга томон сузса, кема қатнови учун жиддий таҳдид солади.



Шимолий чегара қаерда?

КХДР ҳарбий-денгиз кучлари Япония денгизиде Жанубий Кореяга тегишли балиқчилик кемасини қўлга олган.

«Yonhap» теле-канали тарқатган маълумотларга кўра, кема экипажи Жанубий Корея ва Хитой фуқаролари бўлган. Жанубий Корея ҳарбийлари берган маълумотга қараганда, қўлга олиш вақтида кема мамлакатларнинг биргаликдаги балиқ овлash ҳудудида бўлган. Жанубий Корея ҳукумати экипажни зудликда озод қилишни талаб қилди ва Шимолий Кореяни балиқчилик билан боғлиқ масалаларда халқаро ҳуқуқ меъёрига амал қилишга чақирди.

Гап шундаки, икки давлат ўртасидаги БМТ белгиланган шимолий чегара чизигини Жануб қонуний ҳисоблайди, Шимолга эса бу чизиқ умуман «ёқмайди».



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Ўз даврида ниҳоятда машҳур ва бой бўлган Эфесс грек маданиятининг шаклланишига катта ҳисса қўшган шаҳарлар сирасига киради. Ҳатто, унинг оддий денгизчиларию савдогарлари ҳам дунёга донг таратиб кетган. Шунингдек, эфесслик меъморларни алоҳида таъкидлаш кераки, улар ҳақиқатан ҳам ўз даврининг машҳур усталари бўлишган. Улар қурган обидалар асрлар ўтса-да ўз салобати ва кўркини йўқотмади. Фақат бир обиде борки, у кўҳна Эфесс заминиде сира кўним топмаган.

Мафзуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Артемиде ибодатхонасини греклар ниҳоятда муқаддас санашгани сир эмас. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ибодатхона бир неча бор қайта тикланган. Чунки, ўша даврга хос тез-тез такрорланиб турадиган зилзилалардан ёғоч тўсинли иморатлар омон қолиши душвор эди. Буни греклар худонинг қаҳрига йўйишди ва ўз маъбудлари учун чиройли ибодатхона қуришни мақсад қилишди. Эраимиздан аввалги VI асрда яшаган моҳир уста Херсифрон ўзгача бир ибодатхона қуришни режалаштирди. Буни эшитган кўшини қиролликлар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ваъда беришди. Плинийнинг ёзишича, ибодатхонани қуришда 127 нафар қирол совға қилган мрамар тўсинлардан фойдаланилган экан. Эҳтимол, бу анча бўртирил-

гандир. Аммо, унинг замирида жиндай бўлсада ҳақиқат борлиги шубҳасиз. Негаки, ўша давр ҳукмдорлари ибодатхонанинг тезроқ битишига хайрихоҳлик қилишган. Айниқса, кўшини қирол Лидий Крез бу лойиҳага анчагина маблағ сарфлаган. Херсифрон ҳаммани лол қолдиради, айнан грек маданиятига хос ҳашамдор иморат қуришга ваъда берганда. Ибодатхона асрлар давомида сақланиб қолишини истаган меъмор нима учундир уни ботқоқлик устида қуришни афзал қўлади. Ушунда кўпчилик Херсифроннинг фикрини эшитиб, уни мазаҳ қилишга-ла боришган. Бироқ, лойиҳа тез-тез рўй бериб турувчи ер шикинишларига дош бера олиши меъморнинг фикри бу борада нақадар тўғри эканини исботлайди. Херсифрон бино ўз оғирлиги билан бот-

АРТЕМИДА

ботқоқлик устига қурилган ибодатхона



қоқда чўкмаслиги учун пой-девор тагини чуқур қовлаб, уни ўтин кўмири ва жун билан тўлдирдишди. Лекин, бу орзуни рўёбга чиқариш анча машаққатли кечади. Аввалига тўсинларни ботқоқ оралаб олиб ўтиш қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунда Херсифрон чорасиз қолганини тушуниб, ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлади. Бироқ у вазиятдан чиқиб кетиш учун ҳар бир тўсинни тешиб, темир найча ўтказиб унга гилдираклар боғлайди. Шу тариқа, тўсинлар хўкизлар ортидан энгил судралаверган. Херсифрон ўта доно ва зийрак бўлган. Орадан йиллар ўтиб, Херсифрон вафот этади. Унинг иши-

ни эса ўғли Метеген давом этиради. Метеген ҳам вафот этгач, бу ишни Пеонит ва Деметрий охирига етказди.

Афсуски, Херсифрон орзу қилган ибодатхонанинг кўриниши тарихий манбаларда тўлиқ таърифланмаган. Негаки, эраимиздан аввалги 365 йилда ўзини умрбўқий деб билган Герострат исмли кимса бу ибодатхонани таг-туғи билан ёқиб юборган эди. Уша даврда Геростратни бу иши қаттиқ қоралланган, аммо унга нисбатан жазо чораси кўрилмади. Артемиде ибодатхонасининг таърифи бутун дунёга ёйилиши билган Герострат ўз номини шу йўл билан тарихга умрбод муҳрлашни мақсад қилади.

Табийки, Геростратнинг қилмиши Эфесс халқининг қалбини яралайди. Бироқ, улар орта чекинмай ундан-

да ҳашамдор ибодатхона қуришга аҳд қилишди. Уша даврнинг машҳур меъмори Хейрократ иккинчи Артемиде ибодатхонасини қуришга бошчилик қилади. Айтишларича, Хейрократ афсонавий Афон тоғини Александр Македонский хайкали кўринишига айлантirmoқчи бўлган экан. Хейрократ бу сафар бинонинг қурилишида унчалик қийналмайди, негаки ботқоқликдан ўтиш йўли тайёр эди. Страбоннинг ёзишича, ушбу ибодатхона олдингисидан ўзининг салобати ва чиройи билан ажралиб турарди. Негаки, бу иморат маҳаллий аҳолининг шахсий маблағи ва хотин-қизларнинг қимматбахо тақинчоқлари эвазига қайта бунёд этилган эди.

Ибодатхонанинг икки қисми хайкалтарош Праксител ва Скопас яратган ноёб хайкаллар билан безатилган бўлиб, деворларига грек халқининг ажойиб қаҳрамонлари тасвирлари осилган. Улар орасида Одиссей, Александр Македонский ва бир қанча саркардаларнинг суратлари бўлган. Римлик тарихчи олим Плутархнинг ёзишича, греклар худоси буюк саркардани дунёга келтириш билан овоз-роа бўлиб, ибодатхонани асраб қололмаган. Негаки, Александр таваллудди Артемиде ибодатхонаси вайрон бўлган кунга тўғри келади. Александр Македонский Эфессга айнан Артемиде ибодатхонаси қайтадан таъмирланаётган бир пайтда кириб келади. Шу боис Александр Македонский ушбу таъмирлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз зиммасига олган экан. Албатта, фотиҳ бир шарт эвазига, яъни ибодатхона остонасидаги битиқда Македонскийнинг номи ёзилишини талаб қилади. Аммо, греклар учун олтинлардан кўра гурур афзал эди. Халқ Артемидега хиёнат қилишни истамайди. Лекин, эфессликлар Александр Македонский ўқсимасликдан ўтиш йўли тайёр эди. Страбоннинг ёзишича, ушбу ибодатхона олдингисидан ўзининг салобати ва чиройи билан ажралиб турарди. Негаки, бу иморат маҳаллий аҳолининг шахсий маблағи ва хотин-қизларнинг қимматбахо тақинчоқлари эвазига қайта бунёд этилган эди.

Шуни айтиш жоизки, ибодатхонанинг илк меъмори ҳисоб-китобда янглишмаган экан. У пойдеворни қўйган ибодатхона минг йил давомида ботқоқликда қад ростлаб турди. Ўз даврида римликлар ибодатхонани асраб-авайлашган. Бироқ, насронийлар даврида ибодатхона талон-тарож қилиниб, вайрон ҳолига келиб қолади. Шундан сўнг, унинг мрамар плиталари кўчириб олиниб, бошқа иморатларга ишлатиб юборилган. Неча йиллар давомида қанчадан-қанча археологлар ушбу ибодатхонани ахтаришмаган дейсиз. Ва ниҳоят неча йиллик уринишлардан сўнг, 1869 йилнинг 31 октябрида инглиз археолоғи Вуд ибодатхона пойдеворини излаб топди.

Ковун ҳақида гап кетганда кўпчилик даров Хоразмнинг асалдай ширин, тилими тилни ёрадиган Гурвагини эслаши шубҳасиз. Хоразмда қовун пишиги мавсуми азалдан катта байрамга айланади.

Гурвак

қовунлар тимсоли

Марҳамат МАТВАФЕВА

Шу боис, қовун пишиги мавсумида кўшиқлар тўқилган. Қовун сотадиганлар ҳозир ҳам ана шу кўшиқларни ҳиргойи қилиб, харидорларни чорлашади:

Ковун-қовунлар, дадим Маззи қовунлар, дадим Гурвак, Оқновотлардан Тўйиб қолинглар, дадим.

Ковун — жуда қадимий экин бўлиб, Кичик Осиё (Қадимги Юнонистон), Эрон, Афғонистон ҳамда Ўрта Осиё унинг ватани ҳисобланади.

Хоразмлик деҳқонлар етиштирган қовунларнинг доврғи азалдан тилларда дoston бўлган. Бу беҳиз эмас, албатта. Боиси воҳанинг табиий иқлими серкўёш, тупроғи унмодор. Бундан ташқари Амунинг ҳаётбахш суви ва селекционерлар томонидан яратилган турфа қовунлар ҳам Хоразм қовунлари доврғини чор тарафга ёймоқда.

Ковун Хоразмда жуда ҳам эъзозланади. Уларнинг хушбўйлиги, мазаси, ширинлиги, серсувлиги ва бошқа кўплаб ажойиб хусусиятлари турли

даврларда яшаган тарихчилар, сайёҳлар, шоирлар томонидан кўп таърифланган.

Шундай қовун навлари ҳам борки, улар мослашган жойидан бошқа ерга экилганда, яхши ҳосил берса ҳам лекин таъмини йўқотади. Масалан, Гурвак Фарғона ёки Сурхондарёда экилганда яхши ҳосил олинган бўлса-да, Хоразмникидан кимёвий таркиби, таъми ва бошқа хусусиятлари билан кескин фарқ қилади.

Эндиликда селекционер олимларимиз томонидан Гурвакнинг Оқ гурвак, Ола гурвак, Кўк гурвак ва Қора гурвак каби янги, янада хуштаъм навлари яратилди. Бу навлар, асосан Хоразм ва Қорақалпоғистонда экилади. Оқ гурвак ва Қора гурвакдан бирмунча юқори (гектаридан 338,1-389,1 ц.) Ола гурвакдан эса бирмунча камроқ (гектаридан 363,7 ц.) ҳосил олинади.

Оқ гурвак ва Қора гурвакнинг сиртида нақшинкор гуллари бўлмайди. Пўсти қаттиқ, гўштор Ола гурвакнинг эти 7-9 см. бўлиб, оқлиги, сершира-



лиги, юмшоқлиги ва хушбўй хиди билан ажралиб туради.

Хоразм иқлими ва тупроқ шароитининг хилма-хил ва бойлиги турли қовун навларининг яратилишига асос бўлади.

Ҳозирги кунда Хоразмда қовуннинг салкам 40 га яқин тури экилади. Оқ новот, Торлама, Кўкча, Шакарпалак, Нонгўшт, Хитойи, Мулласапо, Ширин бишак, Жийдагул, Оқ гулоби, Хива бишаги, Ширинпўчоқ каби эрта пишиб етиладиган, Бишак, Сарик гулоби, Қора гулоби, Қарикиз, Оққош, Қорақош, Қора кўтир, Гулоби, Олаҳамма каби кечпишар навлари бор.

Нонгўшт — жуда тўйимли бўлгани учун шундай ном берилган. Уни маҳаллий халқ жуда севиб тановул қилади. Оғир-

КЎЗГҮ

лиги 5-8 кг. пўсти қаттиқ, этининг қалинлиги 5-6 сантиметр, таъми ширин, еганда карсиллайди. Таркибида 8,57-10,75 фоиз қанд, 6,5-8,7 фоиз сахароза бор. Гектаридан 250-350 центнер ҳосил беради. 88-95 кунда пишиб етилади.

Оқ гулоби — кунда пишиб етилади ва узоқ сақланади. Кўп вақт ўз хусусиятини йўқотмайди. 90-95 кун давомиде еса бўладиган ҳолатга келиб, биттасининг оғирлиги 4-6 кг. га яқин бўлади. Ранги оқ, хира сариқ ва пўсти юпқа, эти қалин, еганда карсиллайди. Ундан ванилиннинг хиди келади. Таркибида 10-12 фоиз қанд бор.

Қора гулоби — Оқ гулобидан бироз фарқ қилади. Униб чиққанидан пишгунгача 100-125

кун ўтади. Ҳосилдорлиги юқори: гектаридан 600 центнер ҳосил олинади. Битта қовуннинг оғирлиги 12-18 кг., айримлари 35-40 килограммгача етади. Пўсти қаттиқ, эти оқ, қалинлиги 6,5-7 сантиметргача келади. Сақланган сайин мазаси ширин бўлиб бораверадиган қовундан олма хиди келиб туради. Таркибида 8,43-9,5 фоиз қанд, шундан 5,73 фоизи сахароза бўлади.

Хоразм қовунларининг ҳар бир нави ҳақида кўп ёзиш мумкин. Хоразмда бир парча ери ёки томорқаси бўлган хонадон соҳиби албатта қовун экади. Қовун экиш хоразмликларнинг қон-қонига сингиб кетган анъана. Бу уларга ота-боболаридан мерос қолган.

ЎГИТ

Ўзликни англашдан кўра сермахсулроқ машғулот йўқдир.

Кучли ва олижаноб одамларнинг кайфияти хотиржамлик онларида ҳам, кулфатга рўбарў бўлганда ҳам ўзгармайди.

БИЛАСИЗМИ?

Хитой компанияларидан бири йўллардаги трафикни қисқартиришнинг антиқа йўлини топишди. Улар икки томони очик автобус яратиш, унинг юқори қисмида йўловчилар, пастки туннел қисмида эса автомобиллар ҳаракатлинишни таклиф қилишмоқда. Бу усул йўллардаги "тиқин"ларни 20-30 фоизга қисқартириш билан бирга, камида 860 тонна ёқилгини тежар эмиш.


Яқинда 82 ёшли қария Жорж Солт Африканинг энг баланд тоғи бўлмиш Калимандржарони ишғол этди. Шунингдек, ушбу чўққига қариянинг 52 ёшли ўғли, келини ва набиралари ҳам чиқишган.

ТУРФА ОЛАМ

Сирли ертўла

Мексикалик археологлар қадимги Теотиуакан шаҳридаги Кетцалькоатл ибодатхонаси остида сирли ертўла борлигини аниқлашди.

Аммо, ҳозирча ушбу ертўлага киришнинг сира иложи бўлмаяпти. Мутахассислар мўлжал олишда андек янгилишган кўринадилар. Ҳисоб-китобларга кўра, ертўла эраизига қадар 200 ва 250 йиллар орасида қазилган бўлиши мумкин. Энг қизиғи, ертўла ўша даврларда ҳам сир тутилган шекилли. Акс ҳолда, унга элтувчи бирор бир йўлак албатта топилган бўларди. Ўз навбатида археологлар қўлдан келганча ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг фикрича, сирли ертўла бу ерларда эҳромлар пайдо бўлишидан олдин ҳам бўлган. Қолаверса, бу каби ертўлалардан ўшанда турли хил маросимлар ўтказиш мақсадида фойдаланганлиги эҳтимолдан холи эмас.



«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2010 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.



Мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиликлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун куйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

- | | |
|---------------------------|-------------------------------|
| ҚР Нукус (3612) 22-88-68 | Самарқанд (3662) 34-22-53 |
| Андижон (3742) 22-29-89 | Сирдарё (3672) 25-47-70 |
| Бухоро (3652) 25-47-49 | Сурхондарё (3762) 27-49-03 |
| Жиззах (3722) 22-40-01 | Тошкент вил. (3712) 233-13-04 |
| Қашқадарё (3752) 25-40-27 | Фарғона (3732) 24-29-22 |
| Навоий (4362) 23-26-86 | Хоразм (3622) 26-63-75 |
| Наманган (3692) 26-29-80 | Компания бўлими 234-85-99 |

Обунага кўмакчи — «Матбуот тарқатувчи»

Қуёшнинг ўзи тозалайди

Ультрабинафша нур ёрдамида сувни тозалаб берувчи бутилка ихтирочис James Dyson Award мукофотини қўлга киритди.

Мазкур антиқа филтрани англиялик ихтирочи Тимоти Уайхёт Африка сафари чоғида яратган. Унинг айтишича, африкаликлар ичимлик сувига йод ва хлор солиб ичишаркан. Бироқ, бундай услубда тозаланган сувда маза-матра қолмас эмиш. Ихтирочи яратган филтър эса ҳар қандай, ҳатто, лойқа сувни ҳам ичишга яроқли қилиб бера оларкан. Филтър ичи ва ташки бўлмалардан иборат бўлиб, тозаланмаган сув диаметри 4 микронли қаттиқ зарралар учун мўлжалланган махсус найчалардан ўтади. Кейинги босқичда эса сув стерилизациядан ўтади. Яъни, бутилкага ўрнатилган ультрабинафша лампа 90 сония ичида сувни тиниқ ва ичишга яроқли ҳолга келтиради экан. Эслатиб ўтамиз, бу йилги James Dyson Award мукофотига дунёнинг 18 та мамлакатидан келган ихтирочилар даъвогарлик қилишган. Манбада қайд этилишича, тезкор қутқарув қайиғи, чиқиндиларни қайта ишловчи махсус челак, ёнғинга бардошли машина ва шунга ўхшаш қатор антиқа буюмлар ҳам ушбу мукофотга тавсия этилган.



Антиқа музей

Дизайнер Матей Крен Болонья (Италия) санъат музейи ичида китоб кўринишидаги музей яратишга муваффақ бўлди.

Крен ўзининг бу санъат асарини Scanner деб номлади. Минглаб китоб ва ойналардан ишланган қурилма кўринишдан улкан ва кенг йўлакка ўхшаб кетаркан. Бу ерга ташриф буорган кишининг ҳайратланмаслиги мумкин эмас экан. Дизайнернинг таъкидлашича, бундай музей катталардан кўра болалар учун қизиқарли ва фойдалироқ эмиш. Негаки, болалар табиатан эринчқ бўлишади. Айниқса, китоб мутолаасига келганда даров зерикиб қолишади. Аксинча, ушбу музейдаги китобларни болалар зўр қизиқиш ва иштиёқ билан ўқишлари тайин экан.



Зафар МУҲАММАД тайёрлади